



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

АБИТУРИЕНТ — 2016

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда мамлакатимиз олий ўқув юртларига 663 минг 298 абитуриент ҳужжат топширган. Бу ўтган йилга нисбатан 57 минг 462 нафарга кўпдир.

Ёшларнинг олий маълумот олишга иштиёқи муттасил ўсиб бораётгани мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»-ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида изчил амалга оширилаётган ислохотлар, Ватан тақдир ва ўз келажиги учун қайғуриб яшайдиган авлодни камолга етказиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир.



ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН ЁШЛАР

1 август куни мамлакатимиз олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди

Маънан ва жисмонан баркамол авлод соғлом ота-она, соғлом муҳит меъасидир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинаётган ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари, фармон ва қарорларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани фўқароларни кучли ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг ҳаёт сифатини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 майдаги «2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»-ги қарори асосида олий ўқув юртларида 18 янги таълим йўналиши очилди. Янги ўқув йилидан Абу

Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида саккиз, Тошкент архитектура-қурилиш институтида уч, Тошкент кимё-технология институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент давлат аграр университети ва ушбу олий ўқув юртининг Нукус филиали, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида биттадан янги таълим йўналишлари бўйича талабалар қабули амалга оширилди.

Президентимизнинг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида»-ги фармони асосида янги университетнинг

очиши халқимиз маънавиятини юксалтириш, ўзлигини англатиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар силсиласида катта тарихий воқеа бўлди. Ушбу олий ўқув юртига 5 минг 31 йигит-қиз ҳужжат топширган. Университетнинг ўзбек филологияси факультетида бир ўринга 14,2 абитуриент, ўзбек тили ва адабиёти факультетида бир ўринга 17,1, ўзбек-инглиз таржима факультетида бир ўринга 19 нафар абитуриент тўғри келгани ёшларимизнинг буюк бобомиз — Алишер Навоий номи берилган ушбу билим даргоҳида ўқиб, камолга етишга, улуг аждодларга муносиб ворис бўлишга иштиёқи кучли эканини кўрсатади.

Берунийлик Сурож Артиқбоев — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳужжат топширган минглаб ёшлардан бири.

Унинг орзуси — нефть-газ саноати учун етук мутахассис бўлиб етишиш.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган ислохотлар самарасида илғор технологияларга асосланган нефть ва газ кимёси саноати шаклланди. Сурғил қони негизда барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожланиб бораётганидан далolatдир.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳам ана шундай йирик мажмуалар, янги-янги замонавий корхоналарда ишлайдиган етук кадрлар тайёрланади. Университетда ўқиш истагида бу йил 15 минг 264 йигит-қиз ҳужжат топширди. Уларнинг 1 минг 894 нафари 43 бакалавр таълим

йўналиши бўйича талабалик бахтига муассар бўлади.

Университетнинг нефть-газга қайта ишлаш технологияси факультетида ўқиш ниятидаман, — дейди Сурож. — Тест имтиҳони очиклик, ошкоралик шариоитида ўтди. Талаба бўлсам, ушбу соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун, Ватанимиз тараққийига ҳисса қўиши учун бор куч ва имкониятимни сафарбар этаман.

...Ха, яна санокли кунлардан сўнг мамлакатимиз талабалари сафига минглаб ёшлар қўшилиди. Уларнинг яратилган шариотлардан унумли фойдаланиб, ўзлари танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишга, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўишига тилакдошимиз.

ЎЗА

(Мақола қисқартирилган ҳолда берилмоқда).

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНияТЛАР САМАРАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик шодиёналарига қизғин ҳозирлик кўриляётган шу кунларда халқимиз босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, бугунги фаровон кунлар, улкан ютуқ ва марралар замирида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз манфаатлари йўлида узққин кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва халқимизнинг фидокорона меҳнати мужассам экани намоён бўлади.

Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»-ги қарорида таъкидланганидек, олдин тасаввур қилиш ҳам мушкул бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омиллини, авваламбор, тараққийёт йўлимида тўсиқ бўлган турли

қийинчилик, етишмовчилик, оғир ҳамда машаққатли синовларни енгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқарashi, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида қўриш мумкин.

► Давоми 2-3-бетларда.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БОР?

Бошланғич ташкилот фаоллиги етақчининг салоҳиятига боғлиқ

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 16 июль сонидида чоп этилган «Бошланғич ташкилот — партия таянчи» сарлавҳали мақолани ўқиб, менда ҳам бу мавзуга муносабат билдириш фикри туғилди.

Менимча, бошланғич ташкилот ишини кучайтиришда кўп нарсаси етакчига боғлиқ бўлади. Етакчининг дунёқарashi кенг бўлса, ташкилотчилик қобилияти юқори бўлса, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олади. Шу боис ҳар бир етакчи, аввало, дунёда, шунингдек, юртимизда кечаётган демократик жараёнлар, сиёсий партиялар фаолиятдан яхши хабардор бўлиши даркор. Партияимиз ғояларини аҳоли орасида тарғиб қилиш учун, аввало, етакчининг

ўзида етарли билим ва тушунча бўлиши зарур. Шунда у ўз фикрини аниқ, ҳаётий мисоллар воситасида тушунтириб бера олади. Демак, туман ва шаҳар партия кенгашлари етакчиси аъзоси номига ўтказилаётган тадбирда қатнашиб, вақтини беҳуда ўтказмаслиги, ўзи учун керакли ва қимматли маълумотни олиши зарур. Бу масала ҳам етакчининг салоҳиятига боғлиқ.

Шунингдек, бошланғич ташкилотларда ўтказилаётган тадбирлар савиясини ошириш ҳам долзарб масалалар. Йигилишга келган партия аъзоси номига ўтказилаётган тадбирда қатнашиб, вақтини беҳуда ўтказмаслиги, ўзи учун керакли ва қимматли маълумотни олиши зарур. Бу масала ҳам етакчининг салоҳиятига боғлиқ.

Феруз ВАИСОВ,
ЎзХДП Хонқа туман
кенгаши раиси ўринбосари.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
Жавохир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛТИАРИҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА ПУЛЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ, ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИНИНГ ИЖТимоий ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАСИНИ ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ КОМИССИЯ МУҲОКАМАСИГА КИРИТДИ.

ЎЗХДП БУХОРО ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 6 ОЙИДА 540 МУРОЖААТ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 80 ФОИЗГА ЯҚИНИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

2016 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ҲУЗУРИДАГИ ТЕГИШЛИ КОМИССИЯЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛМАЛИҚ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ГУРУҲИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

■ Электрат вакиллари билан бевосита мулоқот депутатлар, партия фаолларини ҳаётга яқинлаштиради, амалий ишларга ундайди.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АКЦИЯСИ

ҲАЁТ ЗАВҚИ

Депутатлар, партия фаоллари «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси доирасида электрат вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлмоқда

ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгашидан Зангиота туманига қараб йўл олди. Йўл-йўлакай кенгаш раиси Меҳрож Дарҳонов билан режалаштирилган тадбир ҳақида суҳбатлашиб кетдик.

— Марказий Кенгаш ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами олдидан ҳар бир шаҳар ва туманда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш ниятидамиз, — дейди у. — Бугун зангиоталиклари йўқлаймиз. Бу акциянинг эътиборли томони шундаки, одамларга яна бир қадам яқинлашиш, улар билан дилдан суҳбатлашиш, қувончу ташвишига шерик бўлиш имкони ортади.

Тумандаги аҳоли дам олиш маркази гавжум. Кутилмаган ҳол. «Хонадонларга боришимиз керак эди-ку», деган савол ҳаёдан ўтди. Меҳмонлардан бири фикрини ўқигандек, «Ушбу тадбир маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказилган. Дастлаб намунали, жамоат ишларида фаол бўлган оилалар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга совға-саломлар тарқатилиб, концерт дастури ҳам намойиш этилади», дея изоҳ берди. Бу Зангиота туман партия кенгаши раиси Моҳида Ақромова эди.

Одатда кўра, тадбир расмий равишда очилди. Унда вилоят ҳамда туман партия кенгашлари раислари, депутатлар ва фаоллар мустақилликнинг аҳамияти, кадр-қиммати ҳусусида сўз юритишди. Аҳолининг турмуш тарзи тубдан ўзгаргани, мамлакатимизда кўлга киритилган ютуқлар эътироф этилди. Билдирилган фикрлар, шукроналик сўзлари, совға-саломлар йиғилганларнинг кайфиятини янада кўтарди.

Айтиш керакки, шу кунги ҳар кимнинг кўнгида айтар сўзи, шукроналик туйғулари, тилаклари бор эди. — Менинг бир ўғлим бор. У келажакда улкан мақсадларни амалга ошироқчи, — деди Абдор Солиҳовнинг онаси Шохидат Сирожиқдирова. — Ўғлимнинг иқтидорини кўриб, тўғриси, ўзим ҳам лол қоламан. Ҳали етти ёшга

тўлмаган бўлса-да, буюк аллоҳларимиздан тортиб, юртимизнинг бугунги қаҳрамонларига яхши билади. Санъатга, спортга, адабиётга қизиқади. Жисмоний имкониятлари чекланганига қарамай, вақти келиб барча ороу-истакларига етади, деб умид қиламан. Фарзандимнинг шижоатини кўриб, қалбим қувонча тўлади.



Фотурх АЛИЕВ оғлан сурат.

Ҳаётимдан нолимаман. Бизга армон бўлиб қолган орзуниятлар фарзандларимизга насиб қилаётганидан хурсандман.

Кўнгида бир олам орзулари мужассам болакайнинг онаси билан узоқ суҳбатлашдик. У юртимизда ёшлар учун яратилган шароит, берилаётган имкониятлардан Абдор ҳам фойдалана олишганидан мамнуллигини айтди. Шу пайт яна бир аёл суҳбатимизга қўшилди.

— Менинг 3 нафар фарзандим бор. Улар ўқиб, касб-ҳунарни бўлишди, деди ўзини Муҳаддамхон Иброимова деб таништирган она. Бизга армон бўлиб қолган орзуниятларга

ўғил-қизларим, набираларим етишяпти.

Саломатлигим туфайли ногиронлик нафақасига чиқдим. Маҳалла-қўй, қўни-қўшни доим ҳолимдан хабар олиб туради. Бекор ўтиришни ёқтирмайман. Келинимга уй ишларида, набираларим тарбиясига ёрдамлашаман. Бола эмасми, уларнинг саволлари тугамайди. Кўп мавзуларда суҳбатлашамиз. Телевизор орқали юртимиздаги ўзгаришлар, бунёдкорликлар намойиш этилганда, ўша ерларни ўз кўзим билан кўриш, сайр

шоғирдларим, қизларим ва келинларимга ўқитиб келаман.

Гувоҳи бўлганимиздек, ҳар кўнгида эзгу истак, турли қараш ва ўй-хаёллар. Уларни кўринмас бир ришта боғлаб тургандек. Ўйлаб қоласиз. Бу ватанга муҳаббат, ислохотларга дахлдорлик ҳисси, одамларга наф келтириб яшаш истаги, кўнгила-римизга ин қурган шукроналик туйғуларидир, балки.

Ана шундай таассуротлар билан навбатдаги манзилга йўл олди. Юрт фаровонлиги, халқ манфаати йўлида

хизмат қилган, турли сабабларга кўра ҳозирда жисмоний имкониятлари чекланган инсонларга қанча хурмат кўрсатсак, шунча кам, албатта. Уларнинг умр дафтаридан барчамизга ўрناк бўлушлик ҳаёт ҳақиқатлари битилгандек гўё. Ўтган асрнинг жабр-зулмларини бошимиздан ўтказдик.

— Ёшлигимда мен ҳам кучга, гайратга тўла эдим, — деди Бахтиёр Файзиев. — Ҳарбий бўлиб ишладим. Мана, орзиқиб кутилган кунларга ҳам етиб келдик. Озодлик нётматларидан баҳраманд бўлдик...

Шу кунги яна бир қанча хонадонда бўлди. Оққўнгил, меҳрибон инсонлар билан яқиндан танишдик.

Ўзбекистон ХДП томонидан ўтказилаётган мазкур акция эзу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН

Мустабид тузум даврида иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, хомашё етказиб берувчи аграр республика ҳисобланган Ўзбекистон атиги чорак асрда барчанинг ҳавасу ҳайратига сабаб бўлаётган беқийёс ўзгариш ва янгиланишларга эришди. Чунончи, мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб 6 баробар ошгани, унда саноатнинг улуши 34 фоизга етиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан кўпроқ ортгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳажми 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани йўл бошидаёқ Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама пухта ўйланган оқилона сиёсат самарасидир.

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИНИНГ БАЙРОҚДОРИ

Мустақиллик шарофати ва Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар туфайли Ўзбекистон бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланган. Бунини Навоий кон-металлургия комбинати эришган улкан муваффақиятлар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Кон-металлургия ишлари — мураккаб соҳа. Бу касб кишидан катта ирода, бардош талаб этади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг қончиларга кўрсатган эътибори ва ғамхўрлиги соҳа фидойилари олдида қўйилган вазифаларни юқори даражада бажаришида доимо куч ва мадад бўлди. Улкан ишлаб чиқариш ресурсларига эга комбинатда техник ва технологик модернизация жараёнилари жадал амалга оширилди, натижада корхона жон бозоридан ҳам салмоқли ўрин эгаллади.

Ўзбекистонда аниқланган қимматбаҳо қазилма бойликлари захирасининг 85 фоизи Навоий кон-металлургия комбинати ҳиссасига тўғри келади. Шу боис комбинатни ҳақли равишда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ерости бойликлари қазиб олиш соҳасининг байроқдори, дейиш мумкин.

БУГУНГИ КОМБИНАТ КЕЧАГИ ЗАВОД ЭМАС

Маълумки, мустабид тузум даврида Қизилқумдан қазиб олинган барча бойликлар марказга ташиб кетиларди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллар бошига келиб комбинат молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган, техника ва асбоб-ускуналар маънан эскирган, қончиларнинг эртанги кунга ишончи йўқолган эди.

Президентимиз Ислам Каримов 2015 йилда Навоий вилоятига ташрифи чоғида «Иқтисодиётимиз локомотиви бўлган Навоий кон-металлургия комбинатини эл-юртимиз манфаатлари йўлида ишлатиш учун мустақилликнинг дастлабки йилларида — ўта оғир ва мураккаб даврда сизлар билан бирга қандай катта ишларни амалга оширганимизни, ўйла-манки, қўнчилиқ яхши билади», деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда 90-йиллар бошидаги турли иқтисодий қийинчиликларга қарама-дан, давлатимиз раҳбари комбинатнинг келгуси истиқбол ва ривожланишига алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз ташаббуси билан Навоий

БАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

кон-металлургия комбинатига йирик субсидиялар ажратилди. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада кўпайтириш, барча бўлинмаларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, янги корхоналарни ишга тушириш имкониятини яратди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги молиявий қийинчиликларга қарама-дан, ҳукуматимизнинг 1992 йилда қабул қилган Зарафшон-Учкудук минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва НКМК корхоналари ишларини барқарорлаштиришга йўналтирилган қарори комбинат тарихида янги даврни бошлаб берди. Ушбу ҳужжат асосида 1995 йилда Учкудукда 3-гидрометаллургия заводи барпо этилгани ва Қўшарқас ҳамда Давғизов конлари ишга туширилгани қончиларга янада куч-ғайрат бағишлади, эртанги кунга ишончини оширди. Олтин маъдан қончиларнинг бирлашган хомашё базасида 2008 йилдан бошлаб инвестицион лойиҳалар асосида бир неча замонавий объектлар қурилди. 3-гидрометаллургия заводида сульфидли маъданларни бактериял оксидлаш усулида қайта ишлаш технологиясининг муваффақиятли жорий этилиши комбинат муҳандис-техникларининг катта ютуғи ҳисобланади.

Марказий кон бошқармасида олтинни уюмда эритмага ўтказиш мажмуаси барпо этилди. Комбинат бўлинмаларининг портловчи моддаларга бўлган талабини қончилар учун «Мурунгов» қони ёнида эмулсион портловчи моддалар заводи қурилди. Комбинат муҳандислари 1994 йилдан урани ер остида эритмага ўтказиш усулида қазиб олишнинг янги технологиясини биринчи бўлиб амалда қўладди.

2002 йилда комбинатнинг Жанубий кон бошқармаси таркибига «Зармитан» ва «Маржон-булоқ» олтин қазиб олиш конлари киритилди. 2010 йилда Самарқанд вилояти Қўшарқот туманида мустақиллик йилларида барпо этилган иккинчи йирик саноат мажмуаси — 4-гидрометаллургия заводи ишга туширилди. Ушбу завод қурилиши билан Зармитан ҳудуди инфратузилмасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Янги уй-жойлар, маданият ва спорт иншоотлари бунёд этилди.

Мустақилликнинг дастлабки давридаги қийинчиликларга қарама-дан, Учкудукда 3- Қўшарқот туманида 4-гидрометаллургия заводи ҳамда Қизилқум фосфорит мажмуалари барпо этилгани қатор давлатларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Истиқлол шундай имкониятлар яратиб бердики,

бугунги комбинат энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, ташкилий, ишлаб чиқариш ва самарадорлигига кўра олдингисидан мутлақо фарқ қилади.

2011 йилда «Мурунгов» қонида қуввати бўйича жаҳонда ягона, унумдорлиги соатига 3000 тонна, қиялиқ бурчаги 37 градус, кўтариш баландлиги 270 метрни ташкил этадиган тик-қия конвейери («КНҚ-270»)нинг ишга туширилиши комбинат ҳақида муҳим воқеа бўлди. КНҚ-270 мажмуаси барпо этилгани қоннинг жануби-шарқий ва шарқий бортларидаги захираларини очиб бўйича қон ишларини янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. Амалдаги кон-техникавий вазият ва қончилик ишларининг ҳолатидан келиб чиқиб, очиб схемасининг оптимал варианты аниқланди ҳамда «Мурунгов — Мутенбой» бирлашган қоннинг чегараларига тузатишлар киритилди. Бу қонда ишланган бешинчи навбати лойиҳасининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги чуқурлиқни 950 метрга етказиш имконини беради.

Комбинатнинг кон-транспорт жиҳозлари ва техникаларини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида «Мурунгов» қариерида юк кўтариш қуввати 220 тоннагача бўлган автогадгарчилар, қончилик ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган технология қўлланганининг компьютер тизими, массивнинг геологик тузилмасини сақлаган ҳолда кўп қаторли портлатишлар жорий этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олтин ишлаб чиқарувчи давлатларнинг дастлабки ўнлигига кирди. Қувонарлиси, мамлакатимиз нафақат қимматбаҳо металлнинг улкан қонларига эга, балки энг тоза ва юқори сифатли олтин ишлаб чиқармоқда. 999.9 проба Қизилқум қўймалари жаҳоннинг қимматбаҳо металллар бижраларида Ўзбекистоннинг ишонч ёрлигига айланган. Хусусан, 1999 йилда нуфузли Токио биржаси томонидан Зарафшон олтинига сифат сертификат берилиши ва дунёнинг «Олтин эталони» деб тан олинishi Президентимиз раҳнамолигида соҳага қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР САМАРАЛАРИ

Навоий кон-металлургия комбинатини 2010-2015 йилларда замонавийлаштириш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 1 миллиард 68 миллион 200 долларга тенг 29 лойиҳа амалга оширилди.

Комбинат нафақат олтин, қумуш, уран каби нодир металллар, балки халқ ҳўжалиги учун зарур маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқармоқда. Жумладан, 1998 йилда Қизилқум фосфорит мажмуасининг фойдаланишга топширилиши билан фосфорит хомашёсини қазиб олиш ундан қимё соҳасида минерал ўғитларга қайта ишланадиган фосфор концентратини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Президентимизнинг 2013 йил 23 майдига «Фосфорит хомашёсини ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

■ ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Натижалар сарҳисоб қилинди

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда партия ташкилотларида жорий йил биринчи ярим йиллик иш режасининг бажарилиши муҳокама қилинди. Дастлаб партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури, Жамоатчилик қабулхонаси тўғрисидаги Низом ижроси билан боғлиқ масалалар танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, режада белгиланган тадбирлар ўз вақтида ўтказилган, сиёсий

ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни таъсирчан ҳамда замонавий усулларда олиб боришга алоҳида эътибор берилган.

Қайд этилики, йил бошида партиянинг амалий Ҳаракат дастурида вилоят бўйича электрат вакиллари манфаатларига дахлдор 15 масалани ўрганиш режалаштирилган. Шу асосда ижтимоий ҳимояга хизмат қиладиган қатор масалалар устидан депутатлик назорати ўрнатилган. Шу кунга

қадар ЎЗХДП гуруҳлари томонидан 11 масала ўрганилиб, доимий комиссия йиғилишларида муҳокама этилган, 7 масала шаҳар ҳамда туман Кенгашлари сессияларига киритилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Жарқўрғон, Сарийосиё ва Қизилқум туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари бу борада фаоллик кўрсатаётгани таъкидланди. Уларнинг фаолияти Ҳаракат дастури ижросида сусткашликка йўл қўяётган партия гуруҳлари, депутатларга намуна қилиб

кўрсатилди. Шу билан биринчи, электрат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда фаоллик етишмаётгани, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш лозимлиги қайд этилди.


Ижроия қўмита йиғилишида кўриб чиқилган масалалар бўйича қарор қабул қилди.

Назозат ПУНДИҚУЛОВА, ЎЗХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлим мудир.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН 14 МАСАЛА ЎРГАНИЛДИ. 3 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, 6 ТАСИ СЕССИЯЛАРГА КИРИТИЛДИ.

■ Қарийб 900 нафар ишчи-ходим қишлоқ жойларида намунавий лойиҳадаги турар жойларга эга бўлди.

ОИЛА — МАҲАЛЛА —
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ



«Машъал» меҳнат-роҳат оромгоҳида.

ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

қарорига мувофиқ, фосфорит хомашёсини бойитиш ишлари амалга оширилди. Бу ювилган, пиширилган фосфорит концентрати ишлаб чиқариш қувватини деярли икки баробар — йилга 400 минг тоннадан 716 минг тоннагача ошириш имконини берди. Натижада фосфор хомашёси ишлаб чиқариш 1998 йилга нисбатан қарийб 10 баробар ортди.

Комбинат бўлиналарида поливинилхлорид ва полиэтилен қувурлар, суюқ шиша, темир сульфати, темир купороси, сульфат кислоталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Биргина «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан маҳаллийлаштириш дастури асосида йилга 140 миллион сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Кейинги йилларда мазкур завод комбинат эҳтиёжларидан ташқари мамлакатимизнинг қатор йирик корхоналарига 60 дан ортиқ турдаги импорт ўрнини босадиган юқори эҳтиёжли маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро кооперация алоқаларини янада кенгайтирмоқда. 1991 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 6 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот харид қилинган бўлса, 2016 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида 686 миллиард сўмликдан ортиқ импорт ўрнини босадиган маҳаллий маҳсулотлар харид қилиш бўйича шартномалар тузилди.

ИННОВАЦИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновация лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори илм-фан ютуқлари ва янги технологияларни амалиётга жорий этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, комбинатда кейинги йилларда илмий-тадқиқот ишлари ва инновация лойиҳалар ҳажми 2008 йилдаги 1,3 миллиард сўмдан 20 миллиард сўмга ёки 15 баробар ошди.

Комбинатда маҳсулот тан-нархини пасайтириш, саноат харажатларини қисқартириш мақсадида самарадорлиги юқори ва энергия тежамкор технологиялар босқичма-босқич жорий этилмоқда. 2001 йилдан бошлаб умумий ишлаб чиқариш қуввати йилга 2537 Гкал бўлган 1920 гелиоколлектор ўрнатилди. Бу қурулмага йилга 2 миллион 900 кВт.соат электр энергияси тежалиши таъминламоқда. 2019 йилга қадар яна умумий майдони 1357 м², қуввати 730 минг кВт.соат бўлган 590 гелиоколлектор қуриш кўзда тутилган.

Утган йили геология-қидирув партияларини электр энергияси билан таъминладиган икита фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Бунинг самарасида йилга 40 минг кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилаётди. 2017-2019 йилларда умумий қуввати 3 МВт. бўлган фотоэлектр станциялар жорий этиш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Комбинатнинг «Дўстлик» агрофирмасида 2013 йилдан буён

биогаз қурилмалари ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўлга қўйилди ва бу йилга 210 минг метр куб биогаз ишлаб чиқариш имконини бераётди.

Шимолий кон бошқармасида иккиламчи пардан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва бу йилга 6-7 миллиард сўмга яқин фойда келтиради.

Комбинат мамлакатимиздаги кўплаб илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртли билан янги технологияларни жорий этиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Германия, Швеция, Россия ва бошқа давлатлар билан яқин илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотларни жадал олиб бориш, уларни амалиётга жорий этиш, пировардида фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

КОМБИНАТНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

Бугунги кунда комбинатда қарийб 60 минг ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Раҳбар ва мутахассисларнинг 2 нафари фан доктори, 33 нафари фан номзодидир. Барча объектларни малакали ёш мутахассислар ва юқори малакали ишчи-ходимлар билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида олий ўқув юртлининг илмий салоҳияти ва нуфузини ошириш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, таълим сифатини юксак ҳалқаро талаблар даражасига кўтариш, талабаларнинг ўзлари қизикқан соҳада ўқиш изланишини учун замонавий шароитлар яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Навоий давлат кончилиқ институти ҳам кончилиқ, металлургия, электр энергетикаси, кон электромеханикаси каби йўналишлар бўйича комбинатга малакали кадрлар тайёрлаб берадиган даргоҳлардан биридир. Институтнинг икки минг ўринга эга замонавий янги ўқув бинолари қурилиши якунланди. Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажақда институтда нафақат фарзандларимиз, балки хорижлик ёшлар ҳам тахсил олади. Бошқача айтганда, энди бизнинг ёшларимиз илм истаб ўзга юртларга бормайди, аксинча, чет эллик ёшлар Ўзбекистонга ўқиш, ўрганиш учун келади.

ФАРОВОН ҲАЁТ — ЮКСАЛИШЛАР БЕЛГИСИ

Халқимиз дуога қўл очар экан, аввало, тинчлик, саломатлик ва фарзандлари қамолли, бахтини тилайди. Президентимиз раҳнамолигида «Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган тамойил асосидаги мушаккил тараққиёт йўлимининг самараси бугунги кунда ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида ўз ифодасини топтоқда.

Комбинат ишчи-хизматларининг яшаш шароитларини янада яхшилаш мақсадида Зарафшон шаҳрида 36, Учқудуқ туманида 12 кўп хонадонли, Зафар-

ободда 10 ободонлаштирилган кotteжлар ва ёш мутахассислар учун ётоқхона, Заркентда 8 кўп хонадонли уй ҳамда 4 ётоқхона қурилди. Қарийб 900 нафар ишчи-ходим қишлоқ жойларида намунавий лойиҳадаги турар жойларга эга бўлди. Зарафшон, Учқудуқ, Нуробод ва Маржонбулоқ шаҳарларида спорт мажмуалари, маданият муассасалари қад ростлади.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида комбинатга қарашли Қўшработ туманининг Заркент посёлкасида болалар акаварки ва 44 хонадонли турар жой, «Металлург» профлакториясини билан янги технологияларни Нурободдаги балнеологик профлактория, «Фарход» маданият саройининг хореография заллари фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда Зарафшон шаҳридаги 3-тиббий-санитария қисми базасида замонавий жиҳозланган «Она ва бола» минтақавий скринг-марказини барпо этиш режалаштирилган.

Мустақиллик йилларида «Чорвоқ» сув омбори қирғоғида «Пахлавон» спорт-соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилган комбинат ишчи-хизматчилари фарзандларининг соғлом улғайишига хизмат қилмоқда. «Металлург», «Шахтёр» санаторий-профлакториялари, «Зарафшон» пансионати ва «Тўдақўл» дам олиш базасида замонавий шароитлар яратилган.

Комбинат ходимларини сифатли қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун Кармана тумани ҳамда Зарафшон шаҳрида туҳум ва гўшт йўналишидаги паррандачилик фабрикалари фаолият қўрсатмоқда. Нурота туманида 100 гектар майдонда интенсив боғ яратилди. Жиёзхав вилоятининг Зомин туманида 1600 гектар ерда полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда.

ЭРТАНГИ КУНГА ЮКСАК ИШОНЧ БИЛАН

Истиқлол йилларида бой минерал-хомашё базаси, юқори малакали мутахассислар мавжудлиги, мураккаб шароитда ҳам конларни ўзлаштиришда замонавий технологияларни жорий этиш Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ўрни ва аҳамиятини нафақат Ўзбекистон иқтисодиёти, балки жаҳоннинг йирик кон-металлургия компаниялари орасида ҳам янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси бундай улкан ютуқларга Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътибори ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши тўғрисида эришмоқда. Утган чорак аср давомида Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқариш ривожлантириш, энг илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-хизматлар ва уларнинг оила аъзолари тинч, фаровон ва эртанги кунга катта ишонч билан яшаши, меҳнат қилиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Қувондик САНАКУЛОВ,
Навоий кон-металлургия
комбинати бош директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони.
ЎЗА.

Вояга етмаганлар тарбияси: Ҳамкорлик ва масъулиятни кучайтириш лозим

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси томонидан манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган матбуот анжуманида ана шу масалага қайта-қайта урғу берилди.

— Ҳаммамизга яхши маълумки, яқинда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлаймиз. Чорак асрлик ана шу даврда бирон-бир йил йўқки, унда келажақ эгаларининг манфаатларига хизмат қилувчи ҳужжатлар қабул қилинмаган бўлса, — деди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Азамат УРОҚОВнинг таъкидлашича, 2016 йилнинг юрти-мизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга

бўйича доимий комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Азамат УРОҚОВнинг таъкидлашича, 2016 йилнинг юрти-мизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга

14 мингдан зиёд оиладаги нотинчликка барҳам берилди, 9 мингга яқин ёш оила ажралиб кетишининг олди олинди. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар 6,2 фоиз камайишига эришилди.

ташқил этишини инobatта олган ҳолда амалга оширилган изчил ишловлар натижасида утган вақт ичида болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлик тизими шакллантирилди. Ўқув даргоҳларида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» жамоат кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эса «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари

оширилаётган тадбирлар қамрови янада кенгайтирилди, уларнинг таъсирчанлигини таъминлаш чоралари қўрилди. Жорий йилнинг утган даврида ички ишлар органлари томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож 40 минг нафарга яқин вояга етмаган бола билан яқка тартибдаги профилактик тадбирлар ўтказилди. Кенг жамоатчилик ўртасида 60 мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот суҳбатлари уюштирилди. Натижада

14 мингдан зиёд оиладаги нотинчликка барҳам берилди, 9 мингга яқин ёш оила ажралиб кетишининг олди олинди. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар 6,2 фоиз камайишига эришилди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутасаддилари кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Жумладан, Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи Аваз МАМАЖОНОВ Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури доирасида Ички ишлар вазирлиги ва унинг кўйи бўғинлари билан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича мустаҳкам алоқа ўрнатилганини қайд этди. Айниқса, кейинги йилларда бу ҳамкорликнинг янги шакллари ва замонавий усуллари жорий этилаётгани қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатаётди.

Лекин, анжуманда алоҳида таъкидланганидек, баъзи жойларда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» жамоат кенгашлари фақат қоғозда ишлаётган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича доимий комиссиялар» фаолияти номигагина йўлга қўйилган ҳудудлар, минг афсуски, ҳали ҳам учраб турибди. Бунинг оқибатида айрим ёшлар, вояга етмаганлар орасида маънавийатимизга хос бўлмаган ҳаракатлар пайдо бўляпти. Масалан, ҳозирда ёшлар ўртасида

қандайдир ярамас одат бўлиб улгурган, яъни қўтилмаган автоҳалокатга учраганларга зудлик билан ёрдам бериш ўрнига уларни видео ёки фотосуратга тушириш ва интернет тармоғига жойлаштириш қанчалик ҳуноқлигини кўпчиликлари билди. Бироқ шу иш билан шуғулланаётган ёшларга таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўлга солишга келганда аксарият одамларда лоқайлик кузатилади. «Менга нима?» деган тарзда фикрлаш ҳолати ус-тунлик қилади.

Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, улар томонидан гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига шароит яратадиган сабабларни аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда тинимсиз фаолият қўрсатаётган бир пайтда айрим ота-оналар фарзандларининг нодатий қилиқлари ва ҳуқуқбузарлиқнинг янги шакллари ва замонавий усуллари жорий этилаётгани қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатаётди.

Лекин, анжуманда алоҳида таъкидланганидек, баъзи жойларда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» жамоат кенгашлари фақат қоғозда ишлаётган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича доимий комиссиялар» фаолияти номигагина йўлга қўйилган ҳудудлар, минг афсуски, ҳали ҳам учраб турибди. Бунинг оқибатида айрим ёшлар, вояга етмаганлар орасида маънавийатимизга хос бўлмаган ҳаракатлар пайдо бўляпти. Масалан, ҳозирда ёшлар ўртасида

Озод РАҲАБОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

худудий филиалларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорига асосан савдолари ташқил этилган ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг танлов натижалари тўғрисида ахборот

Бухоро вилояти филиали:

Пешку тумани. 1. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 60,0 кв.м. ер майдонида 1-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 980 000 сўм. 2. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 60,0 кв.м. ер майдонида 2-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 1 100 000 сўм. 3. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 60,0 кв.м. ер майдонида 3-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 5 100 000 сўм. 4. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 60,0 кв.м. ер майдонида 4-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 1 200 000 сўм. 5. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 60,0 кв.м. ер майдонида 5-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 3 000 000 сўм. 6. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 60,0 кв.м. ер майдонида 6-савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 12 000 000 сўм. 7. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 1000,0 кв.м. ер майдонида чойхона биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 12 000 000 сўм. 8. Янгибозор ШФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 2000,0 кв.м. ер майдонида Болалар аттракцион ўйинлар майдончаси қурилиши. Сотилиш нархи — 6 700 000 сўм. 9. Ибн Сино ҚФЙ, Олот аҳоли пункти ҳудудида 600,0 кв.м. ер майдонида савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш ҳамда новвойхона биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 550 000 сўм. 10. Боймусо МФЙ, Дўрмон аҳоли пункти ҳудудида 4500,0 кв.м. ер майдонида

молхона ва қўшимча иншоотлар биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 12 000 000 сўм. 11. Садир МФЙ, Янгиғул аҳоли пункти ҳудудида 150,0 кв.м. ер майдонида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга диагностика маркази қурилиши. Сотилиш нархи — 250 000 сўм. 12. Пешку МФЙ, Искоғаре аҳоли пункти ҳудудида 1000,0 кв.м. ер майдонида сунъий қопламали футбол майдончаси ва спорт анжомлари савдо дўкони қурилиши. Сотилиш нархи — 250 000 сўм. 13. Зандани ҚФЙ, Зандани кўчаси ҳудудида 100,0 кв.м. ер майдонида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 250 000 сўм.

Шофиркон тумани. 1. Х.Ориф МФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 600,0 кв.м. ер майдонида аҳолига компьютер хизмати кўрсатиш маъмурий бино ва канцтовар биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 31 000 000 сўм. 2. Қалмоқон МФЙ, Ф.Хўжаев кўчаси ҳудудида 400,0 кв.м. ер майдонида дорихона ва фитобар биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 500 000 сўм. 3. Саврак ҚФЙ, Зарчабек қишлоғи ҳудудида 400,0 кв.м. ер майдонида маиший хизмат кўрсатиш ва маъмурий биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 218 800 сўм. 4. Жўработ ҚФЙ, Маҳаллақози қишлоғи ҳудудида 70,0 кв.м. ер майдонида ноозиқ-овқат моллари дўкони биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 250 000 сўм. 5. Жўработ ҚФЙ, Маҳаллақози қишлоғи ҳудудида 143,7 кв.м. ер майдонида 2-маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 500 000 сўм.

Қорақўл тумани. 1. Дарғали ҚФЙ, Оқработ қишлоғи ҳудудида 180,0 кв.м. ер майдонида маиший хизмат кўрсатиш

биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 200 000 сўм. 2. Жигачи ҚФЙ, Жигачи қишлоғи ҳудудида 100,0 кв.м. ер майдонида дорихона биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 2 500 000 сўм. 3. Жигачи ҚФЙ, Жигачи қишлоғи ҳудудида 100,0 кв.м. ер майдонида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 2 500 000 сўм. 4. Эски-қалъа МФЙ, Тош кўчаси ҳудудида 100,0 кв.м. ер майдонида умумий овқатланиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 15 000 000 сўм.

Қоровулбозор тумани. 1. Имом Бухорий МФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 100,0 кв.м. ер майдонида умумий овқатланиш биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 450 000 сўм. 2. Имом Бухорий МФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 100,0 кв.м. ер майдонида минимаркет биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 480 000 сўм. 3. Имом Бухорий МФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида 100,0 кв.м. ер майдонида кафетерий биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 500 000 сўм. 4. Тинчлик МФЙ, Нурчилар кўчаси ҳудудида 110,0 кв.м. ер майдонида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш дўкони биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 3 100 000 сўм. 5. Тинчлик МФЙ, Нурчилар кўчаси ҳудудида 110,0 кв.м. ер майдонида ҳўжалик буюмлари дўкони биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 300 000 сўм. 6. Тинчлик МФЙ, Нурчилар кўчаси ҳудудида 110,0 кв.м. ер майдонида дорихона биноси қурилиши. Сотилиш нархи — 1 250 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИАТЛАРИ

■ Президентимизнинг «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир» китобида вилоят аҳлининг меҳнатсеварлигига, фидойилигига юксак баҳо берилган.

Ҳаёт синовларида тобланган эл

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан chop этилган Президентимизнинг «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир» китобида вилоят аҳлининг меҳнатсеварлигига, фидойилигига юксак баҳо берилган. Ушбу фидойиликни биргина галлакорлар эришган ютуқлар мисолида ҳам кўрса бўлади.

Қамаши туманининг Қашқадарё соҳилига яқин жойида бир дала шийони бор. Бу ерда узок йилдан буён мохир фермер Абдимурот Бозоров деҳқончилик қилиб келади. У уч йил бурун Ўзбекистон Қажрамони унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан вилоят Кенгаши депутатлигига ва Сенат аъзوليғига сайланди. Моҳир деҳқон шундай дейди:

— Бу шийонимизга Президентимиз уч марта келганлар. Яқкабоғ, Шахрисабз, Қарши, Касби ва бошқа туманларда деҳқонлар билан учрашиб, қимматли маслаҳатлар берганлар. Бир сафар даламизга келганларида, воқеада галлачилик институтини ташкил этиш вақти келганини айтган эдилар.

Бу кўтул режа 2008 йилда амалга ошди. Қарши шаҳрида Республика дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг филиали иш бошлади. Тадқиқот маскани лабораториялари Дания, Швейцария ва бошқа хорижий

мамлакатларда ясалган замонавий ускуналар билан таъминланган. Туртинчи қаватдаги иссиқхонада йил-ўн икки ой тажриба ўтказиш учун шароит яратилган. Институт олимлари дунёнинг кўплав давлатларидаги илмгоҳлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган. Тадқиқотчилар бу ерда тез-тез ташир буюришади. Меҳнат фахрийси Шодиёр ака Хўжаназаров менга қирғизистонлик профессор Вера Жунусова институтдаги намунали шароитни кўрганида ҳаяжон ва ҳайратга тушганини гапириб берганди.

— Ҳозир 124 нафар тадқиқотчи меҳнат қилаёпти, — дейди институт филиали раҳбари Ойбек Омонов. — Ҳозиргача юмшоқ бугдойнинг «Яксарт», «Фозгон», «Эломон», «Фаровон», «Жайхун» каби ўнлаб навлари яратилди ва улар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида 400 минг гектардан зиёд ерга экилмоқда.



— Ҳозир бугдойнинг эрта пишар, касалликка чидамли навларини яратишга эҳтиёж ошиб бораёпти, бу борада нима ишлар қилинаёпти?

— Муҳтарам Юртбошимиз бундан бир неча йил бурун филиалимизга ташир буюриб, фаолиятимиз билан танишган эдилар, — дейди Ойбек Омонов. — У киши бугдойнинг иқлимбоп, серҳосил навларини яратиш бўйича қимматли маслаҳатлар берган эдилар. Тадқиқотчиларимиз бу борада тинмай изланиш олиб боришаёпти. Бу йил қарийб 75-80 фоиз вилоятимиз майдонларида биз етиштирган навлар ўстирилди. Менинг ўзим касалликка чидамли «Бунёдкор», «Хисорак» бугдой навларини яратиш ишларида қатнашдим. Бу йил натижа яхши.

Нишон туманидаги «Хўжам Ота» ва Миришкор туманидаги «Номозов Аббос» фермер хўжаликларида 15 гектар ерга экилган «Бунёдкор» янги бугдой навининг ҳосилдорлиги 68-72 центнерга етди. Ҳозир касаллик ва совуққа чидамли «Шамс» нави устида изланиш олиб борилаёпти. Қаттиқ бугдойнинг «Мингчир» нави бу йил 200 гектар ерда синаб кўрилди.

Дарҳақиқат, бу йил воҳа галлакорлари фидокорона меҳнат қилишди. 145 минг гектар суви ва 63 минг гектар лалми майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Шартнома режасидан ошириб дон топирилди. Ҳозир туманидаги «Рустам бобо набираси Досон», Қарши туманидаги «Эшон Тўйчиев», Қосон туманидаги «Ироқов Амиркул бобо»,

Қамаши туманидаги «Соҳил», Кито туманидаги «Шеров Жасурбек», Миришкор туманидаги «Юлдош ўғли Райхон», Муборак туманидаги «Буюкли сари», Нишон туманидаги «Қаҳор бобо», Касби туманидаги «Бодилов Рўзимуродович», Шахрисабз туманидаги «Турсунов Азиз Рўзиевич», Яқкабоғ туманидаги «Қаҳрамон Лочинбек ўғли» ва бошқа ўнлаб фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 60 – 65 центнерга етди. Айримларида 70 центнердан ошди.

Чироқчи тумани ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Чунки кейинги 3 йилда туманда шартномадан ошириб галла сотилмоқда. Бу йил туман галлакорлари 8,8 минг гектар суғориладиган ва 33 минг гектар лалми ерда деҳқончилик қилишди. Ҳозиргача шартномадаги 27 минг 280 тонна ўрнига 45 минг тонна дон етказиб берилди. Шунинг 5 минг тоннадан ортиғи уруғлик дондир.

Чироқчи туманида деҳқончилик қилиш осонми? Асло. Мутахассислар фикрича, Фаллачи, Оқчува, Қалқама қишлоқлари ва даштларида ҳаво серёғин, эски «Анхор» ҚФГА қарашли ерларда шамол ўта кучли экан. Бу йил кўп майдонда занг касали кузатилган. Галлакорлар касаллик ва зараркундаларга қарши уюшган ҳолда кураш олиб

боришди. Ўрим ҳам намунали ташкил этилди. Натижада «Муртазаев Жаҳонхир» фермер хўжалигида суғориладиган 10 гектар ердан 65 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Хайитқўл қишлоғидаги фермер Боймурод Хуррамов 8 гектар ердан 70 центнердан ҳосил кўтариб, шартнома режасини 124 фоиз қилиб бажарди.

— Ҳаммаси меҳнат туфайли, — дейди «Шўрқудук» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Темиров. — Хўжалигимизни 1999 йилда тузганмиз. Ўтган йили шартнома режасини 150 фоиз бажариб, мамлакатимиз илгор галлакорларига бағишланган телекўрсатувда қатнашган эдим. Бу йил 20 гектар суғориладиган ерга «Жайхун» суперэлит навини экиб, 75 тонна уруғлик дон топирилди. Лалмикор ерга экилган «Тезпишар» бугдой навининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Демак, меҳнатимизнинг баракасини кўраёмиз...

Воҳа бўйлаб кезар эканман, Президентимизнинг «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир», деган сўзларининг ҳақиқатига қайта-қайта тан бердим.

Юнус УЗОКОВ,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
қўрсатган журналист.

КҮРИК-ТАНЛОВ
«МУМТОЗ
НАВОЛАР»

кўрик-танловнинг
республика босқичи Жиззахда
бўлиб ўтди

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофиси Эсон Лутфуллаев хотирасига бағишланган кўрик-танловнинг якуний босқичини ўтказди. Унда ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан 20 нафар ёш санъаткор иштирок этди.

Танлов якунига кўра, ҳакамлар ҳайъати томонидан Жиззахлик Қўтулғай Хайдаров биринчи ўринга, андижонлик Лочин Абдуллаев, Азизбек Абдулазизов, Жиззахлик Отаёр Абдуллаев иккинчи ўринга, бухоролик Дилшод Хайдаров, самарқандлик Мақсуд Бердиқулов, фарғоналик Шерали Раҳмонов учинчи ўринга муносиб деб топилиди.

Ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Иброҳим ЖОНУЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 июлдаги 2562-сонли Қарори ва Фанлар академиясининг 2016 йилдаги 3-78-сонли буйруғига асосан тугатилаётганлигини маълум қилади.

Институт фаолиятига тааллуқли барча давво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

ФАРМАЦЕВТИК ФАОЛИЯТ
БИЛАН ШУЎЛЛАНУВЧИ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ
КОРХОНАЛАР, ФИРМА ВА
КОМПАНИЯЛАР

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича тендер (конкурс) савдолари эълон қилади.

Тендер (конкурс)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улғуржи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Манзили: Андижон шаҳар, Амир Умархон кўчаси, 19-уй.

Тел:факс: (0-374) 228-42-96.

Шўр:400121860034017950100054002

СТИР: 200236981

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги:

Республика Марказий банки.

ХР:23401000300100001010

МФО: 00014 СТИР:201122919

Хизматлар лицензияланган.

БУГУН Об-ҳаво
маълумоти

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти +38/+27

Бухоро ва Навоий вилоятлари +38/+27

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари +37/+23

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари +39/+25

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари +35/+23

Тошкент шаҳри +36/+20

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА
БОЛА ЙИЛИЗамонавий тиббий
ускуналар

гўдақлар саломатлигига хизмат қилмоқда



Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

Самарқанд шаҳридаги 2-туғруқ мажмуаси реконструкцияси учун маҳаллий бюджетдан 140 миллион сўм маблағ сарфланиб, барча бўлимларда жорий таъмирлаш ишлари низоҳияга етказилди.

Илҳом Ҳазраткулов бош бўлган бу маскан иккинчи даражали туғруқ мажмуи ҳисобланади. Муассаса шифокорлари томонидан вилоятдаги бешта туман туғруқхоналари, қишлоқ врачлик пунктлари оталиққа олинган бўлиб, ҳомилалар ва ҳомила ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам улар зиммасида.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида муассасамизда 2600 туғруқ кайд этилди, — дейди бош шифокор Илҳом Ҳазраткулов. — Энг қувонарлиси, гўдақларнинг ҳаммаси тажрибали доя ва шифокорлар ёрдамида нуқсонсиз, соғ-саломат туғилди.

Мажмуада асоратли туғруқлар олди олинади, оналарга туғруққача зарур тиббий хизмат кўрсатилади. Барча бўлимлар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

Бўлимларни айланар эканмиз, бош шифокор янги тиббий ускуналар билан таништилади.

— Мана бу хориждан келтирилган ускунанинг номи «Bibitem», — дейди бош шифокор. — У чақалокни иситиб, унинг ҳолатини яхшилашга хизмат қилади. Буниси

эса «Sipar» — нафас етишмовчилиги билан туғилган чақалоқни соғломлаштиришда фойдаланилади. У орқали чақалоққа кислород берилади. Чала туғилган чақалоқлар «Кюзив» аппаратининг ичига қўйилади. Аҳамиятлиси, унда худди она қорнидагидек шароит мавжуд. Шунинг учун кўни етмай туғилган чақалоқ ташқи муҳитга мослашгунга қадар унинг ичиди сақланади.

Туғруқ мажмуасида 60 нафар олий маълумотли шифокор, 220 нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилади. Акушер-гинекологлар Фариди Ахтамова, Ирода Ҳалимова, реанимация бўлими мудири Ҳасан Мейлиев жамоанинг фахри.

...Фарзандини ҳамширадан қабул қилиб олган она низоҳияда бахтиёр эди. Унинг бутун нигоҳи мазаза қилиб ўлаётган ширингина гўдагига қаратилган.

Ҳамшира изох беради: — Бу синглимиз Нодира Ўсарова, Жомбой туманининг Ширинкент маҳалласидан. Бола соғлом туғилди. Ўғил. Бугун она ва болага оқ йўл тилаяпмиз.

Ёш она Нодирани яқинлари ўраб олиб табриклашди, унга гуллар тутказишди, фарзандига узок умр, бахт тилашди...

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри,

Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.
Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.
Академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.
Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.
Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.
2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.
Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.

Андижон шаҳри,

Бухоро шаҳри,

Жиззах шаҳри,

Нукус шаҳри,

Қарши шаҳри,

Навоий шаҳри,

Наманган шаҳри,

Самарқанд тумани,

Термиз шаҳри,

Гулистон шаҳри,

Фарғона шаҳри,

Урганч шаҳри,

Марғилон кўчаси, 8-«А» уй.

2-корпус, 54-хона,

телефон: 230-64-72.

Ўрташиқ қишлоғи,

Радио шаҳарча, тел: 230-64-80.

Ат-Термизий кўчаси, 28-уй,

телефон: 230-64-79.

Мустақиллик кўчаси, 54-уй,

телефон: 230-64-67.

Алишер Навоий кўчаси,

37-«Г» уй, 36-хона,

телефон: 230-64-74.

Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй,

23-хона телефон: 230-64-77.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859

8858

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:45

Topshirilgan vaqti — 00:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5 6